Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 8 июль ● сешанба ● № 31 (590) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТИ:

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

МУСТАҚИЛЛИК 17 ЙИЛ

Ислом КАРИМОВ:

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.

● Қувончли кун

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг мукаммал билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимининг тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши эса келажагимиз ворисларига кўрсатилаётган эътибор юксаклигидан далолат.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги қошидаги Тошкент юридик коллежи кичик мутахассисликдаги ҳуқуқшунос кадрларни етказиб бермоқда. Ушбу билим даргоҳида фан, таълим ва спорт йўналишлари бўйича сезиларли ютуқлар қўлга киритилиб, коллеж талабалари томонидан бу борада халқаро миқёсдаги мукофотлар қўлга киритиляпти.

Айни пайтда коллежда тўрт йўналишда ўқувчиларга таълим берилиб, унинг сифатини ошириш, профессионал, замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш мақсадида маънавият ва маърифат йўналишида ҳам бир қатор эзгу ишлар амалга оширилаётир.

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу таълим муассасасининг навбатдаги битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари С.Холбаев ҳукуматимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлардан самарали фойдаланиш ва коллежда олган билимлар билан чекланмаган ҳолда ўз билимларини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

2007-2008 ўқув йилида Тошкент Юридик коллежини 724 нафар талаба битирган бўлса, шундан 126 нафари имтиёзли дипломга сазовор бўлишди.

Таъкидлаш жоизки, коллежни битирганларнинг аксарияти республикамизнинг турли вазирлик ва идораларида, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларида фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг кўпчилиги нуфузли олий таълим муассасаларида замонавий ва дунёвий илм сирларини мукаммал ўзлаштиришмоқда.

Тадбир сўнгида битирувчиларга имтиёзли дипломлар тантанали равишда топширилди, барча ёшларга устозлар ва эл-юрт ишончини оқлаш йўлида яхши тилаклар билдирилди.

Тўрабек ТЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

ЁЗМА КЎРСАТМА БЕРИЛДИ

Фуқаро Жамила Тилавованинг фирибгарлик жиноятини содир қилган Неъмат Қаҳҳоровга нисбатан олиб борилган жиноят ишининг терговидан норози бўлиб ёзган аризаси ҳолатга оид иш материлларини ўрганиш йўли билан кўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2007 йил 1 январь куни Н.Қаҳҳоров фуқаро Ф.Саломовани алдаб, унинг ишончига кириб, 3 миллион 400 минг сўм пулини фирибгарлик йўли билан олиб, талон-торож қилган ва ушбу ҳолат юзасидан Навоий шаҳар ИИБ томонидан ЖКнинг 168-моддаси, 2-қисми, "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Жиноят иши тергов натижасига кўра, 2008 йил 3 февралда айблов хулосаси билан жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судига юборилиб, судда кўрилиши жараёнида Ж.Тилавова ва Ф.Саломовалар томонидан уларга тегишли пулларни Н.Қаҳҳоров танишлари М.Яхшиев ва А.Камоловлар билан талон-торож қилганлигини кўрсатишганлиги боис жиноят иши суднинг 2008 йил 26 апрель ажримига кўра қўшимча терговга қайтарилган.

Ҳозирда жиноят иши юзасидан қўшимча тергов ҳаракатлари Навоий шаҳар ИИБ томонидан олиб борилаётган бўлиб, вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинган.

Қўшимча тергов давомида фуқаро Ж.Тилавова ва Ф.Саломованинг кўрсатмалари юзасидан тўлиқ, ҳар томонлама ҳолис тергов ҳаракатлари ўтказилишини, натижасига кўра, қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш юзасидан шаҳар прокурорига ёзма кўрсатма берилди.

Ш.ЮЛДАШЕВ,
Навоий вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси



● Адлия ёрдам берди

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2008 йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 119 та шартнома тузилишига оид масалалар юзасидан келиб тушган мурожаатлар ўрганилди ва тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Шулардан 12 та мурожаат қаноатлантирилди, 38 ҳолатда эса фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш берилди. 21 та мурожаат асоссиз, деб топилди. 19 таси эса тегишли чоралар кўриш учун жойларга юборилди.

ШАРТНОМА — ҲУҚУҚИЙ МАСЪУЛИЯТДИР

Шўрчи туманидаги "Шўрчи-25-30" давлат автокорхонаси бошлиғи Ш.Ибрагимов Қумқўрғон ва Шўрчи туманларидаги айрим қишлоқ хўжалик корхоналарига автотранспорт воситалари билан юк ташиш хизматларини кўрсатган бўлса-да, хизмат учун тўловни амалга ошириш муддати ўтиб кетганлиги юзасидан мурожаат қилиб, ушбу қарздорликни ундириб беришда ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Бошқарма ходимлари ушбу мурожаат юзасидан масалани ўз жойида ўрганиб чиқишди. Натижада автокорхона раҳбарининг бошқармага қилган мурожаатидаги эътирозлар ўрганиш пайтида ўз тасдиғини топди. Барча тўпланган далиллар юзасидан вилоят хўжалик судига 40 та даъво аризаси киритилди. Суд томонидан мазкур хўжалик ишлари мазмунан кўриб чиқилиб, автокорхона фойдасига 13.128.587 сўм миқдоридаги пул маблағларини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинди.

Жойларда шартномалар тузишда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Масалан, бошқарма томонидан Жарқўрғон пахта ОТҲЖга киритилган тақдимномага асосан раис ўринбосари Х.Маҳмудовга, ҳуқуқшунос А.Тўраевга ва шартномалар тузиш бўйича мутахассис Х.Нормўминовларга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазо чоралари қўлланилди. Шунингдек, Денов туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига киритилган тақдимномага кўра, бўлимнинг шартномалар бўйича мутахассиси О.Бобоевга нисбатан ўз ишига масъулиятсиз ёндошганлиги туфайли "ҳайфсан" интизомий чораси қўлланилди.

Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан судларга 53.701.410 сўмлик 61 та даъво аризалари, тегишли идораларга 23 та тақдимнома, прокуратура идораларига 3 та жиноий иш юзасидан таклифлар киритилди.

Баҳодир ЧОРШАНБИЕВ,
Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходимлари

ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Фуқаро Б.Султонбековнинг суд қарори ижроси таъминланмаётганлиги юзасидан газетага йўллаган аризаси Суд департаменти томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, қарздор Ш.Шаҳобиддинов ва М.Алиевалардан Б.Султонбеков фойдасига солидар тартибда жами 1 миллион 548,2 минг сўм ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Тошкент туман бўлими собиқ суд ижрочиси А.Бабаев иш юритувига 2007 йил 2 февралда келиб тушган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор М.Алиева Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида яшаётганлиги аниқланган ва 2007 йил 2 апрелда ижро ҳужжати қарздорнинг яшаш манзили бўйича суд ижрочиларининг Чилонзор тумани бўлимига юборилган.

Тошкент шаҳар ИИБ ХЧК ва ФРБ томонидан тақдим қилинган 2007 йил 26 май кунги жавоб хатида қарздор М.Алиева Туркия давлатига жўнаб кетганлиги кўрсатилган.

Қарздорни топиш имкони бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан 2007 йил 10 май куни қидирув эълон қилинган.

Қарздор Ш.Шаҳобиддиновдан сумма ундириш қисми бўйича 2007 йил 13 июлда қарздорга тегишли бўлган 9 турдан иборат мол-мулклар хатланган бўлиб, ҳозирда мазкур ижро ҳужжати ижроси фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2007 йил 19 июлдаги ажримига асосан тўхтатилган.

Жорий йилнинг 28 апрель куни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2007 йил 22 августдаги ҳал қилув қарорига асосан суд ижрочилари томонидан 2007 йил 13 июль куни хатланган қарздорга тегишли 9 турдаги мол-мулклардан 6 турдагиси рўйхатдан чиқарилганлиги аниқланган.

Ҳозирда хатланган мулкларни сотиш бўйича ижро ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ш.ТАДЖИБАЕВ,
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари

● Халқаро қонун ҳужжатлари

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

БМТ эътиборида

1990-йилларнинг ўрталаридан бошлаб БМТ коррупция муаммосига жиддий эътибор бера бошлади.

Ташкилот томонидан коррупция нафақат миллий, балки халқаро ҳамжамиятни тобора хавотирга солаётган халқаро иллат, деб эътироф этувчи қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Глобал коррупцияга қарши кураш дастури миллий коррупцияга қарши кураш дастурларини амалга оширишга ёрдам бериш ва давлат хизматчиларида сотилмаслик психологиясини шакллантириш, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган.

1990 йилда БМТ махсус "Давлат бошқаруви соҳасида коррупция" деб номланган резолюция қабул қилган. 1997 йил 28 январдаги "Коррупцияга қарши кураш" резолюциясида давлатларни коррупциянинг халқаро алоқаларга боғлиқ бўлган жиҳатларига, айниқса, корпоратив ташкилотларнинг халқаро иқтисодий фаолиятни амалга оширишда рўй берадиган ноқонуний битимларни жиддий ўрганиб кўришга чақирган.

"Халқаро савдо операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисида"ги Декларацияси ҳам мавжуд. 1996 йилдаги резолюция билан тасдиқланган давлат мансабдор шахслари ахлоқининг халқаро кодексида эса давлат мансабдор шахслари фаолиятининг принциплари белгилаб берилган.

БМТнинг юқорида қайд этилган ҳужжатларида коррупциянинг халқаро характери ва унга қарши курашнинг воситалари ҳамда усуллари ҳақида тавсиявий қоидалар ўз аксини топган.

2000 йилда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясида коррупциянинг трансмиллий характердаги жиноят эканлиги ва унга қарши курашда Конвенцияга қўшилган мамлакатларнинг мажбуриятлари ҳамда курашнинг кенг қамровли чоралари белгиланган. Шартномага имзо чеккан аъзо давлатлар коррупцияни жиноят сифатида миллий қонунчиликларида белгилашлари лозим. Ушбу Конвенциянинг 8-моддасига мувофиқ (иштирокчи давлатлар) нафақат пора олиш, беришни, балки ваъда қилиш ва таклифни ҳам жиноий қилмиш деб баҳолаш лозим.

БМТ томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши курашга йўналтирилган ҳужжатлар ичида 2003 йил декабрь ойида қабул қилинган коррупцияга қарши кураш Конвенцияси муҳим ўрин тутади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

БМТ эътиборида

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мазкур халқаро ҳужжатни коррупцияга қарши курашга қаратилган халқаро ҳуқуқнинг универсал кодификациялашган акти, дейиш мумкин. Конвенцияда коррупцияга миллий тараққиёт ва халқаро муносабатлар барқарорлигига таҳдид ҳамда демократик институтлар ва қадриятларни қўпорувчи иллат сифатида баҳо берилган. "Коррупцияга қарши кураш чоралари" деб номланган бобда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги сиёсат ҳамда амалиёт масалаларида давлатларнинг ёндошуви, коррупция вужудга келиши мумкин бўлган соҳаларда давлат кўриши лозим бўлган чоралар, бунда давлат органларининг вазифалари ва улар фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги нормалар мавжуд. Конвенция коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш ва коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича битимларни кенгайтириш ва тарқатиш вазифаларини амалга оширувчи ихтисослашган давлат органлари ташкил этиш заруриятига эътиборни қаратади (6-модда). Шунингдек, хизматчилар ва бошқа мансабдор шахслар ахлоқ кодекси қабул қилинишига (7-модда), давлат харидлари ва пудратлари амалга оширилишида равшанлик ва рақобат таъминланишига (8-модда), коррупцияга қарши курашга фуқаролик жамиятини жалб қилиш, биринчи навбатда давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга шароит яратишга эътибор берилган. Конвенцияда коррупцияга қарши кураш коррупция натижасида олинган даромадларни ўтказиш учун, коррупция ҳаракати натижасида олинган мулкни яширганлик, коррупцияга оид ишни кўришда одил судловга тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик чоралари кўриш билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. Нафақат бирор-бир ноқонуний мулкни тақдим этиш, балки ваъда қилиш ва таклифни ҳам, шунингдек, пора таъма қилишни ҳам жиноий жазоланадиган қилмиш, деб тан олишга чақиради. БМТ ушбу ҳужжатда юридик шахсларни коррупция учун жавобгарликка тортиш масаласини ҳам қўйган. Давлатларга коррупция ҳолатлари ҳақида маълумотлар тақдим этган гувоҳлар ва шахсларни ҳимоя қилишнинг қонуний чораларини кўриш, коррупция натижасида зарар кўрган шахсларнинг зарарини қоплашни таъминлаш таклиф қилинган. БМТ халқаро муносабатлар иштирокчилари — давлатларни коррупцияга қарши курашда фаол ҳамкорлик қилишга, жумладан, фактлар бўйича тергов қилиш, олинган молиявий маблағларни эгасига қайтаришда техник ёрдам кўрсатишга чақирган. Конвенциянинг 4-6-боблари бу муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Ушбу Конвенция амалга оширилиши учун БМТ Бош котиби томонидан чақириладиган Конвенция иштирокчилари — мамлакатлар Конференцияси ташкил қилиниши назарда тутилган (63-модда).

Инсоният цивилизацияси йўлидаги жиддий тўсиқ — коррупцияга ва унинг омилларига қарши кураш масаласига жаҳон ҳамжамиятининг бу қадар алоҳида эътибор қаратаётганлигига сабаб, коррупциянинг салбий оқибатлар келтириб чиқарувчи ижтимоий хавфли қилмиш эканлигидир.

Ҳар қандай давлатнинг мазкур Конвенцияга қўшилишлари уларнинг коррупцияга қарши курашга бўлган иродасини ҳамда бу қарши курашда халқаро ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиш-интилишини ўзида акс эттиради.

Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги **"Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"**ги Қарори билан тасдиқланган Ташқи сиёсат соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясида ҳам БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг қайд этилган Конвенцияга қўшилиши коррупцияга қарши курашда халқаро стандартлар ва нормалар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинишига, пировардида бу соҳада миллий қонунчилигимиз ривожланишига хизмат қилади.

Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ҚУЛАЙ МУҲИТ ЯРАТИЛАДИ

Сирдарё вилояти адлия бошқармасида тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш, бизнес муҳитини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, ДСЭНМ, СВОЖДЛҚД, божхона ва банк ходимлари, вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилиш ишчанлик ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Қаҳрамон ҚАРШИБОЕВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Адлия вазирлигида Тошкент Ислом университети "Исломшунослик" кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди Раҳматулло қори Обидов билан учрашув-мулоқот ўтказилди.

ДИН ВА МАЪНАВИЯТ

"Илоҳий китобларнинг инсон маънавий тарбиясидаги аҳамияти" мавзуидаги ушбу учрашувда Раҳматулло қори Обидов инсониятнинг маънавий тараққиёти, ўзини ва дунёни англаши, илму маърифатли бўлишида кўплаб илоҳий китобларнинг аҳамияти, пайғамбарлар ўгитларининг тарбиявий таъсири ҳақида батафсил сўз юритди. Бундай китобларнинг яралиши, қай даражада сақланганлиги, мазмунан бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳаза билдирди.

Қизғин савол-жавоб, самимий мулоқот тарзида ўтган учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилором ҚЎЗИЕВА

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Гиёҳвандликка бундай таъриф бежиз берилмаган. Чунки у жамият тараққиётига раҳна солувчи энг хавфли иллатлардан бири саналади. Ёзёвон туманидаги "Гулшан" болалар дам олиш оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирда ана шу фикрлар яна бир карра ўз тасдиғини топди.

Мазкур тадбир туман ФҲДЁ бўлими ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда туман ҳокимлиги, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бўлимлари, "Нуроний" жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази вакиллари ҳамда оромгоҳнинг 106 нафар дам олувчи ёшлари иштирок этишди.

Маърузачилар гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларини ҳаётий мисоллар орқали ёшларга тушунтириб беришди.

Тадбир доирасида "Ёшлар — гиёҳвандликка қарши" шиори остида саҳна кўринишлари намойиш этилди ва "Ким эпчилу, ким чаққон?", "Сув шоҳи" каби спорт мусобақалари ўтказилди.

Малика ЧОПҚИЕВА,
Ёзёвон туман ФҲДЁ бўлими мудири

• Таассуф

ҚАРОРЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига мурожаати бир томондан журналистларни хушнуд этади. Негаки, бу уларнинг ОАВга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат. Бошқа томондан эса айрим мутасадди шахсларнинг қонунни писанд қилмасликлари оқибатида айрим юртдошларимиз адолат излаб вақт сарфлаётганликлари дилимизни хира қилади.

Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги "Ҳаким ота" фермер хўжалиги бошқаруви аъзоси С.Ҳабиеванинг таҳририятимизга йўллаган шикоят-аризасига кўра, олиб борилган журналистик текширув давомида ҳам иллатлар бирин-кетин кўзга ташлана борди.

Ўзаро келишувга кўра, боғдорчиликка ихтисослашган "Навмиддин бобо" фермер хўжалиги билан "Ҳаким ота" фермер хўжалиги Бўстонлиқ тумани ҳокимининг 2006 йил 26 майдаги 371-сонли қарорига асосан бирлаштирилди ва "Ҳаким ота" фермер хўжалиги унинг ҳуқуқий вориси этиб тайинланди.

2006 йил 30 июнь куни ушбу қарорга асосан туман ҳокимлиги ва "Ҳаким ота" фермер хўжалиги ўртасида хўжаликка тегишли 25,8 гектар ер майдони бўйича 49 йилга шартнома тузилди.

Ҳар бир қарич ернинг масъулиятини, шунга яраша меҳнати борлигини заҳматкаш деҳқонлар яхши билишади. Буни "Ҳаким ота" фермер хўжалиги аъзоларининг 20.09.2006 йил, 29.09.2006 йил ва 18.09.2007 йилларда туман ҳокимлиги номига йўллаган хатларидан ҳам билиш мумкин. Уларнинг мазмуни бир хил. Собиқ "Навмиддин бобо" фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган ернинг 16,7 гектаридаги олма ниҳолларининг ярмидан кўпи сувсизликдан қуриб кетганлиги баён этилиб, ҳозирги замон шароитига мос, чидамли мева ниҳоллари экиб, янги боғ барпо этишда ёрдам сўралган. Аммо, ҳокимлик...

"Ҳаким ота" фермер хўжалиги "Ўзинг учун ўл етим" қабилида иш тутди. 2007 йил 16 октябрда экинларга сув келтириш ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориш учун "Бизнес режа" асосида 20.000.000 (йигирма миллион) сўм кредит олиб, қизғин меҳнатга шайланган бир пайтда ошдан тош чиққандек бўлди-ю, шаштлари пасайди. Чунки айнан ўша куннинг эртасига, яъни 2007 йил 17 октябрда туман ҳокимининг 2006 йил 26 майдаги 371-сонли қарорининг 2,3-бандлари бекор қилиниб, собиқ "Навмиддин бобо" фермер хўжалигига қарашли 23 гектар ерни давлат захирасига қайтариб олиш ва янги фермер хўжалиги ташкил этиш учун танлов ўтказилиши ҳақидаги 842-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда Тошкент вилояти прокуратурасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 11-5-07-сонли протести ва 2007 йил 14 сентябрдаги 11-10-07-сонли ахборотномаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги ҳамда **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги Қонунлар асос қилиб кўрсатилган. Лекин туман ҳокимлиги мазкур "важларини" вилоят хўжалик судида исботлаб бера олмади.

Хуллас, вилоят суди "Ҳаким ота" фермер хўжалигининг даъво аризасини кўриб чиқиб, амалдаги қонунларга, чунончи Ер кодексининг 36-моддаси, 5-қисми ва 24-моддасига асосан 2007 йил 13 декабрдаги ҳал қилув қарори билан туман ҳокимининг 842-сонли қарорини бекор қилди.

Одатда суд қароридан норози бўлган тараф белгиланган муддатда апелляция тартибида шикоят бериши мумкин. Лекин бу гал бундай бўлмади. "Ҳаким ота" фермер хўжалигига тикилган кўзлар қаттиқ эканми ёки бошқа сабабми, туман ҳокимлиги томонидан мазкур фермер хўжалигига қарашли 23 гектар ерни қайтариб олиш ҳаракати энди бошқача усулда давом этди.

2008 йил 24 мартда юқоридаги ер майдонининг ёмон ҳолатда эканлиги бўйича далолатнома тузилди ва у асосида "Ҳаким ота" фермер хўжалигига қарашли 23 гектар ер майдонини қайтариб олиш ва танловга қўйиш ҳақида туман ҳокимининг 344-сонли қарори қабул қилинди.

Журналистик текширув чоғида туман ҳокимлиги вакиллари бизга на мазкур далолатномани, на ҳоким қарорини тақдим эта олишди. Ҳайтовур, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи М.Зулфиқоров йўлакда аранг бизга далолатноманинг мазмуни, унга кимлар қўл қўйганлиги ва мазкур далолатнома ҳам, қарор ҳам вилоят прокуратурасида эканлигини маълум қилди.

Лекин М.Зулфиқоров номларини тилга олган "Узун" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Гулметов ҳамда туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари Ш.Холмуродов юқоридаги далолатномага қўл қўймаганликларини билдириб, бизга бошқа далолатнома нусхасини тақдим этишди. Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари Ш.Холмуродов, туман давлат солиқ инспекцияси бош нозири Б.Хайтметов, туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т.Абдуваҳобов ва "Узун" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Гулметов томонидан тузилган мазкур далолатномада "Ҳаким ота" фермер хўжалигининг 23 гектар боғ майдони қониқарли аҳволда эканлиги баён этилган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, фермер хўжаликларига оид ҳокимлик далолатномаси ер эгасининг тақдирини ҳал қилувчи муҳим ҳужжат саналади.

Битта фермер хўжалигига оид икки хил мазмундаги икки далолатнома кишида шубҳа уйғотиши табиий.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга асосан деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Қонун устувор бўлган юртимизда ҳақиқат қарор топиши муқаррар. Тошкент вилояти прокуратурасининг 2008 йил 8 майдаги 11/5-08-сонли протести билан туман ҳокимининг 2008 йил 7 апрелдаги 344-сонли қарори ҳам бекор қилинди.

Доно халқимизнинг "етти ўлчаб, бир кес", деган нақли бор. Айтинг-айтинг, ҳоким жаноблари бундан буён қандай қарор қабул қилмасин, ишқилиб қонуний бўлсин-да. Акс ҳолда, юқоридаги қарорлари сингари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан бекор қилиниши табиий.

Кези келганда айтиб ўтишни лозим топдик. Агар жамоани бир оилага менгзасак, оиладаги ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар оила бошлиғи қўлидаги адолат тарозисининг носозлигидан келиб чиқади. Ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, тотувлик дала меҳнаткашлари етиштираётган ризку рўзимиз гарови эканлигини унутмайлик.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

• Обод юртим

ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ

қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади

Бугунги кунда бир-биридан гўзал шаҳарларимизда қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилянти. Аҳоли турар жойлари сони ҳам янги иморатлар ҳисобига ортмоқда.



Шаҳарсозлик кодекси, Уй-жой кодекси ва бир қатор қонуности ҳужжатлари билан шаҳарсозлик соҳаси фаолияти тартибга солинган. Шунга мувофиқ шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Бундай фаолият билан шуғулланишнинг асосий талаблари мавжуд.

Жумладан, ҳудудлар ва аҳоли пунктларини табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг таъсиридан ҳимоя этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек, санитария меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш, маданий мерос объектларини ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни сақлаш талабларига риоя этиш, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларидан (уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари, дам олиш жойлари, маданий-томоша муассасалари ва бошқа объектлардан) моъноликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш каби йўриқлар назарда тутилади. Таъкидлаш жоизки, шаҳарсозлик соҳасида жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш давлат органлари, фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилянти.

Агар бирор бир шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, қонун доирасида бундай фаолият тугатилади. Зеро, ҳар бир фуқаро қулай шароитда яшаш ва эркин фаолият кўрсатиш муҳити билан таъминланиш ҳуқуқига эгадир. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан давлат ва жамоат назорати ўрнатилганлиги бу борадаги эзгу ишларнинг самарали амалга ошишига замин яратади. Шаҳарсозлик кодекси талабларига зид равишда қурилган қурилишлар манфаатдор шахсларнинг аризаларига кўра, фуқаролик ишлари бўйича туман, шаҳар, туманлараро судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Шу ўринда бунга ҳаётий мисол келтириб ўтсак.

Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Самарқанд шаҳар, Ш.Руставели кўчаси, 2-уй, 25-хонадонда яшовчи фуқаро Кукаянц Карина ўзбошимчалик билан кўп қаватли уй-жойнинг умумий фойдаланишда бўлган 87 квадрат метр ер майдонида ноқонуний равишда икки қаватли қўшимча бино ҳамда ушбу уй-жойнинг орқа қисмида ноқонуний равишда девор қурганлиги, мазкур икки қаватли бино ва деворни бузиш ҳамда бу билан боғлиқ харажатлар жавобгар ҳисобидан тўланиши ҳақида қарор чиқариб беришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра, "қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоат ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Суд жараёнида жавобгар Кукаянц томонидан кўп қаватли бинонинг умумий ер майдонида рухсатнома олмасдан, архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда ўзбошимчалик билан девор қурилганлиги аниқланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди ҳал қилув қарори билан даъвогар Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг жавобгар Кукаянц Карина ва бошқаларга нисбатан ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилган қурилишни бузиш ҳақидаги даъвоси қисман қаноатлантирилди.

Бинобарин, ҳар бир қурилган иншоот маълум режа ва лойиҳа асосида, бинонинг чидамлилиги, хавфсизлиги инобатга олинган ҳолда бунёд этилишини назардан четда қолдирмаслик лозим.

Тўлқин УСМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси ўринбосари

Тизим тадбирлари

НОТАРИУСЛАР ЎРНИ

Тошкент шаҳар адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ва шу соҳада узоқ йиллар фаолият юритган меҳнат фахрийлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати М.Сафоева ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда мазкур Қонуннинг бугунги кунда янада такомиллашганлиги, фуқароларнинг ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, яъни молмулк, мерос, ҳадя каби масалаларни расмийлаштиришда, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онгни ошириш ва низо келиб чиқишининг олдини олишда нотариат идораларининг ўрни беқиёс эканлиги хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, нотариат соҳасида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш чоралари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳолида НИГМАТОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими

МЕМОРАНДУМ ИЖРОСИ

Бухоро вилояти адлия бошқармаси, прокуратура, суд, ички ишлар бошқармаси ўртасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғиботлар бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумнинг ижроси юзасидан Бухоро тумани Янги-турмуш ҚФЙда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси»даги Қонуннинг мақсади ва мазмуни ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар» мавзуига бағишланди.

Сўзга чиққанлар республикада ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида Фармон қабул қилиниши, аввало, — давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга, бу билан инсонга берилган яшаш ҳуқуқининг дахлсизлиги ҳаётда тўлатўкис ўз ифодасини топганлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

2006 йил 24 майда Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишни хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги сунъий тўсиқлар, ортиқча оворагарчиликларни бартараф этишга қаратилган мазкур қарор ишбилармонлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга хизмат қилаётир.

● Таҳлил

ҚУЛАЙЛИК

Маълумки, **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида"**ги Низом 2006 йил 1 сентябридан кучга кирди. Албатта, бу Низом илгари амал қилинган меъёрий ҳужжатлардан бирмунча фарқ қилади.

2003 йил 20 августда тасдиқланган **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низомда муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия, иссиқлик манбаи ва сув билан таъминлаш ва бошқа) уланишни ваколатли органлар ва коммунал хизмат ташкилотларида рухсатнома хусусиятига эга бўлган техник шартларни расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни белгиланган муддатларда расмийлаштириш тартиби ва муддатлари белгиланган эди.

Ушбу Низом майдонларни ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга татбиқ қилинмайди.

Бундан ташқари, Низомда қўйидаги ўзига хос жиҳатлар бор. Илгари рўйхатдан ўтказувчи ваколатли идорага ариза берилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш ва унга гувоҳнома беришгача ўтадиган муддат 7 иш кунига чўзилиши мумкин эди. Эндиликда бу муддат 2 иш кунидан ошмаслиги белгиланган. Илгари фирма номи тўғрисида гувоҳномани олиш тўғрисида статистика органларига берилган ариза 3 иш кунигача кўрилиши мумкин бўлса, амалдаги Низом бўйича кўпи билан 2 иш кунигача рухсат этилади.

Шу билан бирга таъсисчилар зиммасидаги масъулият ҳам оширилган, яъни таъсисчилар тақдим этадиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келиши учун жавобгардир.

Аввалги тартибда рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор зарур ҳужжатлар деҳқон хўжаликлари бўйича 2 иш кунидан ва юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари учун 3 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги кўзланганди. Низомда бундай қарор ҳужжатлар тақдим қилинган пайтдан бошлаб рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан 3 иш соати ичида қабул қилиниши қайд этилган.

Тадбиркорларга статистика, солиқ ва солиққа тортиш органларига мурожаат вақтида ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам бир қатор қулайликлар юзага келди. Эндиликда статистика органлари томонидан бериладиган код ҳисобланмиш Юридик шахс коди (КТУТ) рўйхатдан ўтказувчи органга узлуксиз равишда ҳар ой учун кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай берилади. Ўз навбатида солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш солиқ ва солиққа тортиш органи томонидан 8 иш соати мобайнида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг муҳр ва штампи эскизлари мазкур Низом ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ бўлса, рўйхатдан ўтказувчи орган уларни тайёрлашга рухсатномани расмийлаштиради.

Илҳом ТЎРАЕВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

● Тадбир

ОДДИЙ, САМИМИЙ, ҲАЁТИЙ СУҲБАТЛАР

самара беради

Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, оилада ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат, — дейди, тадбир иштирокчиси, Адлия вазирлиги масъул ходими Тўрабек Тўраев.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир соҳада ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган-билган фуқаро етук инсондир. Ҳар биримиз, ҳар куни, истаймизми-йўқми, ўз ҳақ-ҳуқуқларимиздан фойдаланамиз. Масалан, сиз истеъмолчисиз ва харид қилган маҳсулотингиз учун чек олишингиз шарт. Агар сиз бу ҳуқуқингизни амалга оширмас экансиз, биринчидан, ўзингизга зарар етказасиз. Иккинчидан, дўконда ноқонуний фаолият олиб борилишига йўл очиб берасиз. Бу сиз йўл қўйган биринчи хато ва қонунбузарлик бўлади. Тадбирда ана шундай камчиликларни бартараф этиш ҳақида сўз борди.

Собир Раҳимов тумани ФҲДЁ бўлими мудири Зулфия Абдурасулова туманда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ва йўл қўйилаётган хатокамчиликлар ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек у, бугунги кунда ёшлар оила қуришларида дуч келаётган айрим муаммоларга тўхталиб, жумладан, тиббий кўрикдан ўтган ёшларнинг бирида оғир хасталик аниқланган бўлишига қарамай, оила қуришга рози бўлаётганликлари, бунга ота-оналарнинг тўйхоналарни олдиндан келишиб қўйишганлиги сабаб қилиб кўрсатилаётгани айтиб ўтилди. Нотиқ бу муаммоларнинг келиб чиқишига асосий сабаб ҳуқуқий маданиятнинг етарли эмаслиги эканлигини алоҳида таъкидлади.

Туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори муовини Шаҳзода Турсиметова тадбир тўғрисида ўзининг фикрларини билдирар экан, шундай тадбирлар кўпроқ ташкил қилиниб турилиши мақсадга мувофиқлигини ва унинг айнан тиббиёт ходимлари билан биргаликда ўтказилиши яхши самара беришини айтди. Шунингдек, тадбирда оила қурмаган ёшлар ҳам иштирок этишди.

— Бугун мен ўзим учун кўпгина керакли нарсаларни ўргандим. Масалан, оила қуришдан аввал никоҳ шартномаси тузилади. Аммо унинг моҳиятини яхши тушунмаганлигим сабабли шартнома тузишдан бош тортгандим. Бугунги тадбирда эса шартноманинг нима учун кераклигини билиб олдим, — дейди Умида Ҳайтматова.

Дарҳақиқат, бундай тадбирларнинг уюштириб турилиши, улар жонли суҳбатлар тарзида ўтказилиши кўпроқ самара беради.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Суратларда: семинардан лавҳалар. Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

● Риштa

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда бола ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси халқаро ҳуқуқ ва миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий манба бўлиб, унда оилавий муносабатларда бола тарбияси, шахсий ва мулкий муносабатларда эр-хотин ҳуқуқларининг тенглиги, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши, вояга етмаган болалар таъминоти, болаларни фарзандликка олиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш, таълим-тарбия олиши учун шароитлар яратиш, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳамда ҳуқуқларини мустақил равишда ҳимоялаш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.



Мазкур қонунга кўра, бола дунёга келгандан кейин ота-онанинг биринчи галдаги вазифаси унга муносиб мазмунли исм бериш ҳамда боланинг туғилишини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳисобланади.

Қайд этилган туғилиш далолатнома ёзуви, бола туғилганлигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома билан бирга 75 йил давомида ФҲДЁ органлари архивларида сақланади ва мазкур ҳужжат инсон ҳаётида энг муҳим бўлган бирламчи ҳужжат ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида 1 ой муддат ичида амалга оширилиши лозим.

Белгиланган 1 ойлик муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилишни қайд этишга тўсқинлик қилмайди, лекин боланинг туғилганлигини тасдиқловчи тиббий маълумотнома, ота-онанинг паспортлари ва никоҳ гувоҳномасидан ташқари бошқа ҳужжатларнинг талаб этилишига сабаб бўлади.

Қонуний оила сифатида шаклланган оилада, ўзаро никоҳда бўлган ота ва онадан туғилган болаларнинг туғилиш далолатнома ёзувида улар боланинг ота-онаси деб ёзилади ва бу борада боланинг туғилишини қайд этишда муаммолар туғилмайди.

Оталикни белгилаш тушунчаси ўзаро қонуний никоҳда бўлмаган ота-онадан туғилган боланинг мазкур отадан туғилганлик фактини ота-онанинг ихтиёрий аризаси ёки суд қарори асосида тасдиқланишини билдиради. Оталикни белгилаш биринчидан, болаларнинг насл-насабини белгиловчи, иккинчидан, бола ва ота-она ўртасида ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи асос сифатида вужудга келади.

Оталиги белгиланган болалар ота-онаси ва қариндошларига нисбатан қонуний никоҳда туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Оила кодексининг 69-моддасига асосан бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

10 ёшга тўлган боланинг исми ва фамилиясини ўзгартиришга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Бундан ташқари, болаларнинг розилиги уларнинг фарзандликка ёки оилага тарбияга (патронат) берилишида, шунингдек, оталик белгиланишида ҳам талаб этилади.

Амалдаги қонунларимизда фарзандликка олиш, васий ёки ҳомий тайинлаш ёки болаларни оилага тарбияга бериш, аввало, боланинг манфаатларига хизмат қилиши кераклиги эътиборга олинган.

Давлатимиз томонидан айнан "Ёшлар йили"да **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг узвий давомидир.

З.ТАИРОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Отабек Холиқов билан Раул Каримбоевлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шу йилнинг 8 март куни эрталабданоқ хотинқизлар байрамини нишонлашни бошлаб юборди. Улфатлар аввал тўрт шиша винони газаксиз ичиб олишди. Кўп ўтмай, уларнинг кайфи ошиб қолди.

● Қилмиш

КЎЧАНИНГ "ХЎЖАЙИН"ЛАРИ

— Байрамни байрамдек нишонлашимиз керак, — деди Отабек улфати Раулга. — Бунинг учун эса каттароқ пул керак.

— Бу гапинг тўғри, лекин пул топиш учун ишлаш ёки бировни "ухлатиш" лозим, — деди Раул.

Икки улфат дардлашиб турган пайтда уларнинг ёнидан ҳарбий кийимдаги бир киши ўтиб қолди.

— Мен бу йигитни танийман. Бойвачча йигит. Бизнинг маҳаллада ижарада туради, — деди Отабек.

— У билан "гаплашиш" керак экан, — деди Раул. Ҳозир уни бир "эритай", — дея Отабек ҳарбий кийимдаги маҳалладошини чақириб четроққа имлади.

— Бугун байрам. Бир "эринг" бизга ҳам, — сирли ишшайди Отабек.

— Менга ким бўласизлар, нега "эришим" керак?

— Кимлигимни билмайсанми? — бизлар "Сангзор" кўчасининг хўжайинларимиз. Юр бу ёққа, — дея Раул уни йўл четидаги гараж ёнига тортаркан шу пайт кутилмаганда Мухтор Расуловнинг уяли телефонига қаердандир қўнғироқ бўлиб қолди. У энди телефонда гаплашмоқчи эди, Раул ҳарбийнинг қўлига тепиб юборди. Шу пайт кутилмаганда маҳалладаги яна уч-тўрт нафар кўча безориси пайдо бўлиб қолди. Улар орасида "ашаддий" номини олган Қилич Ботиров ҳам бор эди.

Раул Мухторнинг ёнидаги 50 минг сўм билан уяли телефонни олиб улгурганди. Уни кузатиб турган Қилич Ботиров Раулдан уяли телефонни олиб қўяди.

Хуллас, "Янгиобод" бозорида 180 минг сўмлик уяли телефонни 60 минг сўмга пуллаб, байрамни озиқ-овқат дўкони ёнида бошлаб юборишди. Аммо бу узоққа чўзилмади.

Жиноий гуруҳнинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судида кўриб чиқилиб, айбдорлар ўз қилмишларига яраша жазо олишди.

Бахтиёр ВОҲИДОВ,
Бектемир тумани прокуратураси терговчиси

● Сўраган эдингиз

"АЛИМЕНТ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИНАМАНМИ?"

— Фарзандимиз бўлмагани сабабли акамнинг қизини фарзандликка олган эдик. Тақдир экан, умр йўлдошим билан ажрашдик, қизим у билан кетди. Ўзим иккинчи гуруҳ ногирони, Чернобилда хизмат қилганман, бир қўлим ва бир оёғим ишламай қолган. Иккинчи оиламдан фарзандим бор. Тўнғич қизимга 41 минг сўм алимент тўлайман, ўзимга 125 минг сўм қолади. Олаётган пенсиям даволанишга етмаяпти. Бунинг устига ижарада турамиз. Ҳозирда 16 ёшда бўлган қизимга алимент тўлашни тўхтатишнинг иложи борми?

Турсунбой ҲАЙДАРОВ,
Андижон вилояти, Избоскан тумани

— Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги белгилаб қўйилган.

Мазкур кодекснинг 105-моддасида алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш асослари кўрсатилган.

Яъни алимент тўлаётган ота-онанинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб, судга мурожаат этишга ҳақли.

Хат муаллифи ўзи тўлаётган алимент миқдорини камайтиришни сўраб судга мурожаат қилишини маслаҳат берамиз.

Муҳаммад ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

● Мулоҳаза учун мавзу

ДАБДАБАНИНГ АҒДАҒАСИ БОР...МИ?

ёки ортиқча ҳашамдорлик замиридаги маънавий юпунлик хусусида

Халқимизда "Ҳар кимни тўйга етказсин", деган нақл бор. Бу ҳикмат замирида нима яширин эканлигини барчамиз биламиз. Дарвоқе, тўй халқимиз минглаб йиллар ўз қониюжонида шакллантирган қадриятларимизнинг бир бўлагидир. Дарҳақиқат, тўй урф-одатлари замирида пурмаъно ҳикмат уқамиз. Масалан, қизнинг бошига, йўлларига ун сепишда янги қурилаётган оила файз-баракали, ризқ-насибали ҳамда икки ёшнинг ҳаёт йўли пок ва равон ўтиши каби ниятлар яширин. Хуллас, тўйларимиздаги урф-удумлар, хурсандчилик, ўйин-кулгу, тежамкорлик ва саранжом-саришталикка бошқа халқлар ҳам ҳавас қилган.

Бироқ бугунга келиб енгил йўл билан бойиб олган баъзи бир одамлар қадриятимиз саналмиш тўйни гўё шоуга айлантириб юборишяптики, бу албатта, миллий маънавиятимизга доғ бўлиб тушмоқда. "Мен сендан қоламанми?" қабилида ҳафталаб тўй ўтказаётган одамларни кўриб, эшитиб турибмиз... ахир! Булар қаердан пайдо бўлишди?. Нима учун дабдаба қилишади? Уларга боласининг бахти керакми ёхуд сохта шон-шуҳратми?.. Бу қайси қуюшқонга сиғади? Муқаддас динимизу миллий қадриятларимиз ҳам, бугунги қонунчилигимиз ҳам ортиқча дабдаба, беҳуда сарф-харажатни ёқламайди.

Миллий қадриятларимиз, удумларимизни авайлаб-асраш, хусусан, тўй ва маъракаларни тартибга солиш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинди. Маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Бироқ ҳамон атрофимизда бадавлат, аммо маънавияти қашшоқ хонадон соҳибларининг ўзларини "кўз-кўз" қилиш учун ким ўзарга тўй қилаётганлари, узоқни кўролмайдиган яна бошқа акаларимиз эса "бойваччалардан қаерим кам", деб қарз-ҳавола қилиб тўй ўтказаётганлари ҳеч кимга сир эмас.

Маъракаларнинг бирида узоқ йиллар республикамиз ички ишлар органларида раҳбар бўлиб ишлаган генерал Ғофуржон ота Раҳимов билан суҳбатлашиб қолдик. У кишининг қуйидаги сўзларини эътироф этмоқликни лозим билдим.

— Президентимизга минг раҳмат, мамлакатимиз обод, иқтисодиётимиз барқарор бўлиши учун катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, ёрдамга муҳтож, ногирон, етим-есир, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, лицей, коллежлар қуриб болажонларимизнинг таълим ва тарбия олишлари учун давлатимиз бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мустақиллигимизнинг ҳар бир йили бирор яхши ном билан атаб келинмоқда. Масалан, бу йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинди.

Йил бундай аталишининг замирида ҳам олам-олам ҳикмат яширинган. Келажагимиз устуни бўлган ёшларга эътибор, меҳрибонлик, уларни Ватанга, ота-онасига садоқатли, жасур ва олий фазилатли қилиб тарбия бериш азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Нур борки, соя бор, дейишади. Айрим одамлар кўпроқ даромад топсалар, ҳадларини билмай қолаётирлар. Айниқса, бундай кишилар миллий удумларимизни назарписанд қилмай, ўзларини кўрсатиш мақсадида кераксиз ҳавойи нарсаларни ўйлаб топаётганлари, тўй-ҳашамларда, маъракаларда беҳисоб исрофгарчиликка йўл қўяётганлари ачинарли ҳолдир. Катта-кичик билан ўтириб қолсам "тўй қилма эмас, аммо ихчамроқ қил, исрофгарчиликка йўл қўйма, ўзбеклигингни, қадриятларингни, муқаддас динингни унутма, мол-мулкинг бўлса, бирор мактаб, боғча, шифохона, кутубхона ёки йўлни таъмирла, кўчангдаги ёрдамга муҳтож қўшнингга бер, савоби тегади, дейман.

— Мен Ғофуржон аканинг гапларини мутлақо тўғри деб ҳисоблайман, — деб суҳбатни давом эттиради йирик иқтисодчи олим, профессор Ноҳидхон ота Ниёзов.

— Очиғи, ҳашаматли ресторанлар ва тўйхоналарда дошқозонларда ош дамлаб, дабдабали базм кечалари ўтказишлар авж олмоқда. Шундай дабдабага берилган одамнинг ён-атрофида ўнлаб қўмакка муҳтож оилалар, боқувчисиз етим-есирлар, ногиронлар бор. Лекин унинг кўзи буларни кўрмайди. Минг афсус билан айтаманки, бу тўқликка шўхликни кўпроқ ўзбек миллатига, ислом динига мансуб биродарларимиз ҳам қилишмоқда.

— Биз қариялар, — дейди Жиззах вилоятилик оқсоқол, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 85 ёшлик Ғаффор бува Нормуҳаммедов, — очлигу зорликни, қуллигу қатағон хўрликларини, уруш кулфатларини, беҳисоб оғир кунларни кўрдик. Илоҳим ўша кунлар қайтиб келмасин. Худога минг қатла шукроналар бўлсинки, Юртбошимиз бошчилигида мустақилликка эришдик, эмин-эркин ҳаёт кечира бошладик, рўшнолик кўрдик, биримиз икки бўла бошлади. Аммо тўқликка шўхлик қилиш на ислом одобларига ва на ҳозирги қонун талабларига тўғри келади. Қадамини ўйлаб босганнинг товонига тикан кирмайди. Туриш-турмушда, гап-сўзда, ҳатти-ҳаракатда меъёрдан чиққан инсон бир куни бориб хорлик кўради...

... Кексаларимиз инсонийлик, оқибат, камтарлик бобида кўнгилдаги гапни тўкиб солдилар. Бундай насиҳатлар, йўл-йўриқлар эса нафақат кўнгил кўзи сўқирлар, балки ҳаммамизни ҳам ойдин йўлга, яхшиликка ундайди.

Муҳиддин ПОЛВОН

ИЖРО ХАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 18 январда қабул қилинган "Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга оширилади ган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 26-сонли қарори, қарздорлардан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш нафақат суд томонидан, балки нотариуслар томонидан қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Нотариусларнинг ижро хатларини ёзиш — бу пул шаклида бўлган қарзни қарздорлардан ундириш ёки мулкни қайтариш мажбуриятини сўзсиз ижро этилишини назарда тутувчи фармойишдир.

"Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига биноан, ижро хатларини олиш учун фуқаролар ва жисмоний шахслар хоҳлаган нотариусга мурожаат этишлари мумкин.

Ижро хатларини ёзиш учун қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлиши шарт:

а) тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятни шубҳасиз тасдиқлаши;

б) даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаслиги.

Қарз ундирувчи ёки қарздор фуқаро бўлган тақдирда ижро ёзуви 3 йил давомида мажбурий ижрога тақдим этилиши мумкин. Қолган барча талаблар бўйича эса қонун билан бошқа муддатлар назарда тутилмаган бўлса, бир йил давомида ижро этишга тақдим қилинади.

Нотариусларнинг ижро хатларини ёзиши шартномавий, хўжалик ва молиявий интизомни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, инсофсиз тўловчилардан қарзни ундиришни соддалаштиради ва тезлаштиради. Шу билан биргаликда қарздорнинг ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади.

Н.СОДИҚОВ,
Тошкент шаҳар нотариуси

● Қарор ва ижро

ЧЎМИЧ МОЙ

ошқозон эса "вой"

Ҳали тонг отмасданоқ, бозорнинг дарвозаси очилиши билан ўзини ўқдек ичкарига урган мойфуруш савдо-сотиқ растаси қолиб, одамлар гавжум жойни эгалламоқчи бўлди.

Бироқ бозор паттачиси унинг йўлини тўсди.

— Бу жой банд. Кеча шеригингиз чўталини бериб кетганди. Вақт борида жой топинг, бўлмаса қуруқ қоласиз.

Ҳақиқатан ҳам зум ўтмай мойфурушлар бирин-кетин одамлар серқатнов бўлган жойни эгаллай бошлашди. Савдо-сотиқ авж олди. Шу пайт ҳали бирор литр мой сотишга улгурмаган мойфурушнинг қаршисида мойчова кўтарган чол пайдо бўлди.

— Садқайи одам кет, инсофинг йўқ экан, бутун оила аъзоларимиз сен сотган мойни истеъмол қилиб, касал бўлдик. Худодан қўрқмайсанми, сифатсиз мой сотиб кишиларни заҳарлагани...

Қария узоқлашар-узоқлашмас мойфурушнинг қошида Давлат солиқ инспекцияси ҳамда прокуратура ходимлари ҳозир бўлишди. Улар мойфурушлик қилаётган жувондан дастлаб савдо-сотиқ қилиш ҳақидаги рухсатномасини, кейин эса сотаётган маҳсулоти сифатини тасдиқловчи ҳужжатни сўрашди. Бозорнинг дарвозаси борлигини унутган мойфурушнинг тили калимага келмай қолди. Чунки унда савдо-сотиқ қилиш учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди.

Яқинда Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ҳамда Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳамкорлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги **"Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида"**ги 378-сонли қарори ижроси юзасидан Каттақўрғон шаҳар "Деҳқон бозори"да текшириш ўтказилди. Мазкур қарорнинг 1-бандида "Мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ун, қанд-шакар, мол ёғи, маргарин, қуруқ сут, болалар озиқ-овқати, чой, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари, гўшт, балиқ ва мева-сабзавот консервалари, пишлоқ, колбаса маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, мувофиқлик ва сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддатлари, нархномалар, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар мавжуд бўлишини назарда тутувчи савдо қоидаларига албатта риоя қилинган ҳолда, фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилади. Бунда аҳолига ўсимлик ёғи сотиш фақат юридик шахс шаклидаги чакана савдо ташкилотлари томонидан назораткасса аппаратлари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширилади", деб кўрсатилган. Текшириш давомида Каттақўрғон шаҳар "Деҳқон бозори"да ушбу қарор талаблари қўпол равишда бузилиб, шаҳардаги А.Икромов номли кўчанинг 25-уйида истиқомат қилувчи тегишли ҳужжатларсиз, қонунга хилоф равишда 24 дона, 1,5 литр ҳажмдаги елим идишларда бўлган 35 литр мойнинг ҳар литрини 2 минг 200 сўмдан сотаётганлиги аниқланди. Энг ёмони, у сотаётган мой қўлбола усулда тайёрланган бўлиб, мутлақо истеъмол қилишга ярамайди. Эндигина йигирма тўрт ёшга кирган Ирода Ризаеванинг хурмача қилиғи ҳаммадан ҳам ошиб тушди. У М.Улуғбек номли ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқилган ва ўз оиласи эҳтиёжи учун сотиб олган мойни зарурат учун сотяпман, деб кўпчиликни алдамоқчи бўлди. Ваҳоланки, Ирода Ризаева текшириш ўтказилган кунида харидор Маъруф Ибрагимовга ҳар литрини 2 минг 300 сўмдан сотган мой ҳам сифатсиз экан.

Олиб-сотар мойфурушлар-ку, қонунда белгиланган тартибда ўз жазоларини олдилар. Лекин масаланинг бошқа томони кишини ўйлантириб қўяди. Наҳотки, ўз нафсини ўйлаб, бойлик орттириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган мойфурушлар ўз хатти-ҳаракатлари билан инсонлар саломатлигига путур етказаётганини билишмаса? Ахир, технологик усулда тайёрланмаган, яхши оқланмаган, тозаланмаган мойнинг таркибида инсон-саломатлиги учун ўта хавфли бўлган "Гаситоп" моддаси борлиги ҳаммага аён-ку. Инсон деб аталмиш буюк мавжудот, наҳотки, кўра-била туриб, шундай ишга қўл урса?

Фурқат УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг раиси,
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

Кузатганмисиз, ҳаётда оқ-қорани озми-кўпми таниган киши ўзининг ожиз жиқатларини ҳаммага ҳам билдиравермасликка ҳаракат қилади. Чунки айни шу жиҳатлари орқали кимдир унга панд бериши, ҳатто қабиҳлик қилиши осонроқ кечади. Ҳаётнинг ўткинчи қийинчиликлари, турмуш ташвишлари ҳам баъзан ана шу ожиз жиҳатга ўхшаб кетади ва бу ҳеч кимга сир ҳам эмас. Кимнинг қандай яшаётгани ён-атрофдагиларга аён.

Табиийки, қийинчиликлар баъзан меҳнат, сабр-чидам, ҳатто машаққатлар эвазига енгиб борилади. Ожиз жиҳатини сир тутган киши бу билан ўзини асрагани, ўз манфаатларини ҳимоя қилгани каби ҳаёт қийинчиликларини тўғри йўлдан бориб, енгиб ўтиш билан киши ҳам ҳаётини асрайди, ҳам уни яхшилайди. Лекин ҳамма ҳам шундай қила биладими?..

Бугун ер юзидаги деярли барча давлатлар аҳолиси учун дунё эшиклари очиқ. Кун-кундан ривожланиш, тараққиётга шу эшиклардан кириб борилиши равшан.

Шу маънода бирор мамлакатга бориб ишлаб келиш ҳам табиий бир ҳолга айланди. Халқона айтганда, ҳар жойнинг ўз тош-тарозиси бўлганидек, албатта, бунинг ҳам маълум тартиб-қоидалари бор. Аммо...

Қўшниларнинг ўзаро суҳбатларида "фалончининг Қозоғистонга кетганлиги ҳаммага аён-ку. Инсон деб аталмиш буюк мавжудот, наҳотки, кўра-била туриб, шундай ишга қўл урса?

Ҳали тонг отмасданоқ, бозорнинг дарвозаси очилиши билан ўзини ўқдек ичкарига урган мойфуруш савдо-сотиқ растаси қолиб, одамлар гавжум жойни эгаллашга ўтган ... Ўлжа учун қўйилган тузоқ ёки қармоқнинг ўткир учи осонгина киради, аммо уни ўлжа танасидан чиқариб олиш-чи, кирган жойини узибузиб, нимталаб чиқади.

... Ҳамма нарсанинг уддасидан чиқадиган Наима навбатдаги ўлжасини изларди. Ўғлини уйлантириш ниятида юрган Рустам ака унинг тузоғига илинди-қўйди. Наиманинг оғзини "кўк"ка тўлдириб гапириши уни баттар орзиқтирди.

— Ўғлимни ҳам кўшиб олиб кетсак, — деб юборганини билмай қолди.

— Паспортларингизни Малайзияга боргач, беришади. Ишончли одамлар элтиб қўяпти-да, — деди у ота-бола йўлга тушишаётганда. — Ҳадемай бойвачча куёв бўлиб қайтади. Хизмат ҳақини шунда берсангиз ҳам бўлаверади, сизга ишонаман, — тилёғламалик қилди у.

Аслида Наима ота-болани пуллаш эвазига "улуш"ини олиб бўлган, энди янги ўлжаларига кўз тикишга ҳам чоғланиб улгурган эди.

Малайзия чўлларида "қулдор"ларнинг чорва молларини нақ текин боқишга маҳкум бўлган Рустам ака ўз ўғлини ҳам шу қисматга дучор қилиб қўйгани, шу аҳволда бир умр қолиб кетишларини ўйлаб фарёд чекар, она юрти кўзи ўнгидан ўтарди. Агар ўғли бир тасодиф билан ўратепалик сайёҳни учратиб қолмаганида,

ган боласидан дарак йўқмиш, ҳужжат-пужжат тўғирламаган бўлса, қандай сўраб топсин", "фалончи Россияга пул топаман деб кетиб қайтанга қарзга ботиб келди, бунинг устига касал ҳам эмиш", каби сўзларни кўп эшитамиз. Деярли ҳар бир газетада ишлаш учун хорижга ноқонуний йўллар билан кетиб не-не кўргиликлар, ҳатто фожиаларга дуч келган турли ёшдаги кишиларнинг аччиқ қисмати ҳақида ўқийсиз. Ўзингизга ва яқинларингизга бундай қисматни асло раво кўрмайсиз.

Хорижга ишга жўнатиш баҳонасида одамларни алдаб, ёт юртларда қул қилиб сотиб юборган кимсалар ҳам талай. Бундай жиноятларга доир суд ишлари кўрилганда, минг афсуски, бу кимсаларнинг кўпчилиги ўз элдошларимиз бўлиб чиқади. Уларнинг тузоғига илинган кишилар орасида ҳали ҳам ўз юртига қайтолмай сарсон-саргардон юрганлари бордир, албатта. Ҳар йили хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз кўмагида уларнинг кўпчилиги қайтиб келади. Хорижга чиқишнинг қонуний йўлларини танлашганида бундай қисматга дучор бўлишмасди-да. Айрим юртдошларимиз ноқонуний равишда чет элларга кетаётганида ўзини нималар кутишини наҳотки жиддий ўйламасалар, дейсиз беихтиёр.

— Россиядаги "мардикорлар қора бозорлари"да биздай чув тушганлар кўп, — дейди бир амаллаб ўз қишлоғига қайтганлардан бири. — Тўртовимизни яхшигина пул ваъда қилиб, олиб кетишди. Ҳали битмаган бинонинг совуқ, зах подвалида яшаб, қурилиш ишларини қилдик. Ҳозир йўталсам, ўпкам узилиб тушай дейди. Бир ой ўтгач "гроша" ҳам бермайман, қаёққа борсанглар борингилар", деди хўжайин ҳеч кимга арзидод қилолмаслигимизни билиб. Ҳеч қурса йўл кира ишлаш илинжида яна нечта эшикда сарсон бўлдик, кимларнинг хизматини қилмадик. Ахийри ўша ёқда бизнес билан шуғулланаётган ҳамюртимиз кўмагида қайтдик. Уйга нима ёрдамим тегди ахир...

Ургутлик Камол, Саид, Ғайбулла, Бахтиёр, Мансурларни (мақолада барча исмлар ўзгартириб бериляпти) Қозоғистонга йўлга кузатганда ота-оналари "йигит киши бироз қийналса ҳеч нарса қилмайди. Қўйниқўнжи тўлиб келса, кўрмагандай бўлиб кетармиз", деб ўйлашгандир балки.

Бир куни газ ўчоқда чой қайнагунча йигитлар бир-бирининг пинжига кириб ухлаб қолишди. Сув қайнаб тўкилганидан олов тез ўчди, тун бўйи "домик" ичини тўлдирган газ гулдай йигитларнинг ҳаётига зомин бўлди...

Яна бир воқеа.

Қозоқ "хўжайин" ваъда қилган пулини берганидан Комил, Мўмин, пуллаб юборишдан ҳам тоймаяптилар.

... Ҳамма нарсанинг уддасидан чиқадиган Наима навбатдаги ўлжасини изларди. Ўғлини уйлантириш ниятида юрган Рустам ака унинг тузоғига илинди-қўйди. Наиманинг оғзини "кўк"ка тўлдириб гапириши уни баттар орзиқтирди.

— Ўғлимни ҳам кўшиб олиб кетсак, — деб юборганини билмай қолди.

— Паспортларингизни Малайзияга боргач, беришади. Ишончли одамлар элтиб қўяпти-да, — деди у ота-бола йўлга тушишаётганда. — Ҳадемай бойвачча куёв бўлиб қайтади. Хизмат ҳақини шунда берсангиз ҳам бўлаверади, сизга ишонаман, — тилёғламалик қилди у.

Аслида Наима ота-болани пуллаш эвазига "улуш"ини олиб бўлган, энди янги ўлжаларига кўз тикишга ҳам чоғланиб улгурган эди.

Малайзия чўлларида "қулдор"ларнинг чорва молларини нақ текин боқишга маҳкум бўлган Рустам ака ўз ўғлини ҳам шу қисматга дучор қилиб қўйгани, шу аҳволда бир умр қолиб кетишларини ўйлаб фарёд чекар, она юрти кўзи ўнгидан ўтарди. Агар ўғли бир тасодиф билан ўратепалик сайёҳни учратиб қолмаганида,

Хорижда хор бўлган "пултопар"лар

Сардорлар кўзларига ишонишмасди. Йўлга ҳам тушишди. Чегарага ҳали анча бор эди. Бирдан улар минган машинани йўлтўсарлар тўхтатишди, улар кўпчилик эди. Қурол, пичоқ ўқталиб, дўқ-пўписа қилишди.

— Уйга қайтиш ният борми? Сизларга беришади, лекин биз оламиз, четга чиқариш йўқ...

Ажабо, ишлаш учун тегишли ҳужжатларсиз Россияга борганларни кўча безорилари ҳам дарров фарқлайди-я, айтишларича,баъзан дўппослаб ҳам кетишаркан. Безори учун жабрланувчининг бировга шикоят қила олмайдиганидан бўлгани маъқулроқ-да, у ер-бу ерини синдириб қўйса ҳам чурқ этишолмайди.

...Раҳимнинг синфдоши хорижга чиқариш ишлари билан "ҳалол" шуғулланадиган кишини топганлигидан хурсанд эди. Бу гапни эшитиб ҳамқишлоқ жўралар ҳам ҳамроҳ бўладиган бўлди. Зайниддин нақ йигирма нафарча йигитни автобусда Ростов шаҳрига ўзи билан олиб келди, бир-икки кун ёнларида ҳам юрди. Икки қаватли бино чиройли қилиб қуриб бўлингач, ҳисоб-китоб қилиб уйга қайтиш ширин орзусида бўлган йигитлар кутилмаган жавобни эшитиб танг қолишди. Ойига 300 АҚШ доллари ваъдасини қилган Зайниддин "ўзим бераман" деб аллақачон уларнинг иш ҳақларини олиб, жуфтакни ростлаган эди... Уйига катта миқдорда пул ишлаб келмоқчи бўлган йигитлар энди уйидан пул олдириб, бир амаллаб қишлоққа қайтишди.

Бундай кимсалар одамларни ишчи кучи сифатида нафақат бирор муддатга, балки бутунлай қул қилиб ким билади, яна неча йиллар шу чўлда хору зорликда қолишарди?

Инсоният қулликдан воз кечганига неча юз йиллар ўтди. Бироқ ёвузлик қилишдан воз кечмайдиганлар ҳар қайси юртда доим ва барча замонларда топилаверишини башарият назарда тутишга мажбурга ўхшайди. Тарих мудом ортда турса-да, ҳар қандай замонда ва ҳар бир киши ҳаёти учун у қай бир жиҳати билан албатта дахлдор бўлиб, уни огоҳлантиравераді. Кишининг ўз ҳаётига озгина бефарқлиги, ўйламай қадам босиши шу бир киши учун бўлса-да, тарихдаги аччиқ қисматларни қайсидир шаклда такрорлаб қўйиши ҳеч гап эмас, худди юқоридаги афсусланарли ҳолатлар каби. Дунёда турли шаклдаги трафик жиноятлар кўп кузатилаётгани одамларни хушёр торттирмоғи лозим. Хусусан, ишлаб келиш мақсадида чет давлатларга чиқишда ўз ниятларини қонуний тарзда амалга оширишни танлаган кишигина бундай кулфатдан ўзини сақлаган бўлади.

Ўз юртингда мунаввар тонг отиши, шафақ нурларини сочганча кун ботишини ҳар кун кўриш бахтига нима етсин?! Ҳур мамлакатнинг эркин фуқароси бўлиб яшаш ҳуқуқи қанчалар буюк ҳуқуқ эканлигини англаб етган киши юқоридаги каби қалтис хатоларга асло ўз ҳаётини тикмайди. Ҳаётнинг ўткинчи қийинчиликлари учраганда ожиз қолмайди. Доим ақлу саботи билан иш тутиб чет юртларда ишлаб келса-да, ёруғ кунларини ўз элида яратади.

Дилором МАТКАРИМОВА
Манба: Region.uz

● Тавба

«ҚОПҚОН»ДАГИ "ДОН"...

ўзини ҳам "тумшуғи"дан илинтирди

Ёлғоннинг катта-кичиги бўлмайди. Ишончга кириш, ишонтириб алдаш эса фирибгарликка йўл очиб беради.

"Қаҳрамон"имиз қаршилик Насиба исмли (исми-шарифи ўзгартирилган) аёл ҳам бундан тўрт йил бурун жиноят кўчасига кириб, минг бир пушаймон ва тавба-тазарру билан оқланганига қарамай, тўғри йўлни танлашни хаёлига келтирмади. У одамларнинг ишончига кириб, анча-мунча пулини, молу мулкини олиб, тескари ўгирилиб кетди. У дастлаб ўзининг қора қилмишини оғир кунида корига яраган таниши фуқаро Н.Х.ни алдашдан бошлади. Насиба таниши сотиб олиш учун уй қидириб юрганини билиб, орага тушади. Унга арзонроқ нархда уй олиб беришни ваъда қилиб Н.Х.дан 1800 АҚШ доллари ҳамда 500 минг пулини олади ва узоқ вақт Н.Х.ни сарсон-саргардон қилади.

Бундан ҳам нафси қонмаган Насиба Ахмонова ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, фирибгарлик йўли билан ҳамшаҳри К.Ш.ни алдаб, тақинчоқларини сотиб бериш мақсадида жами 5.162.500 сўмлик кўп миқдордаги мулкини қўлга киритиб, қайтариб бермасдан ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган. У қилмишлари бир кун фош бўлишини хаёлига келтирмай, навбатдаги алдов тузоғини яна бир таниши Х.Ф.нинг оёқлари тагига "ёйиб" қўяди. У дарровгина Х.Ф.нинг ишончига кириб, "Сизга ўзимга тегишли бўлган уйни сотаман, учидан пул беринг", дея бошқа бир танишининг уйини унга кўрсатиб, 225 минг сўм пул, 300 АҚШ долларини ўзлаштириб кетишга муваффақ бўлган. Соддадил одамларни алдашдан чарчамаган Насибахон ўзи қўйган тузоққа бир куни ўзи илинишини хаёлига келтирган бўлса ҳам болта келгунича кунда дам олади, қабилида иш тутганди. Барибир фирибгар тумшуғидан илинди. Суд жараёнида Насиба Ахмонова барча қилмишларига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, енгиллик сўради. Гувоҳларнинг фикрлари, аниқ далил ва исботлар адолат тарозусига тушганда Насибахон, албатта, тегишли жазога тортилишини кўрсатиб турарди. Икки йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига тортилган айбдор, келтирган моддий зарарнинг бир қисмини қоплаганлиги қайд этилиб, қолган қисмини ҳам ундан ундириш вазифаси юкланди.

Р.ҚЎШОҚОВ,
жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг раиси,
Фози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси вилоятнинг Ангрен шаҳридаги 1- ва 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй. Телефонлар: (8371) 253-84-30, 280-51-03

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссияси, бошқарма томонидан Китоб туман давлат нотариал идораси катта нотариуси Остонова Мунаввар номига 1998 йил 12 январда берилган KS 000037 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши 2008 йил 9 июндан 9 августгача 2 (икки) ой муддатга тўхтатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 июндаги 3-сонли қарорига асосан Тўраев Хуршидга 2007 йил 26 мартда берилган SU 000240 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати уч ойга тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссияси, бошқарма томонидан Косон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шаймардонов Тўлқин номига 1997 йил 24 июнда берилган KS 000011 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 9 июндан тўхтатилди.

TURON BANK

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссияси, бошқарма томонидан Косон туман давлат нотариал идораси катта нотариуси Сайфиев Ҳамза Убайдуллаевич номига 2001 йил 2 октябрда берилган KS 000049 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиши 3 (уч) ой муддатга тўхтатилди.

(Газетанинг навбатдаги сони 22 июль, сешанба куни чиқади.)

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Маматов Шоди Суюнович
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-615. Тиражи — 9653. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50,
Факс: 233-65-99.
1 2 3 4 5 7 8
Сотувда эркин нархда